ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

О.Т.ЮЛДАШЕВ

SUI СУҒУРТА ИШИ КАФЕДРАСИ

СУҒУРТА ИШИ

Тошкент-2014

1-МАВЗУ: СУҒУРТАНИНГ ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ, ФУНКЦИЯЛАРИ ВА БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИДАГИ ЎРНИ

РЕЖА

1. Суғурта муносабатларини пайдо бўлиши ва унинг иқтисодий моҳияти
2. Суғурта иқтисодий категория сифатида
3. Суғурта фондлари, уларнинг шаклланиши ва фойдаланиш йўналишлари
4. Суғуртанинг функциялари

1.1. Суғурта муносабатларини пайдо бўлиши ва унинг иқтисодий моҳияти

Суғурта кишилик жамиятининг турли босқичларида мавжуд бўлган ва узоқ тарихга эга.

Суғурта инсоният ва унинг мол-мулкини ишончли ҳимоялашнинг муҳим воситаси сифатида ривожланиш тарихида икки босқични бошидан кечирган

- Тижоратга асосланмаган суғурта
  - Тижоратга асосланмаган суғурта ибтидоий жамоа, қулдорлик ва феодал жамиятларига хос бўлиб, унда суғурталовчилар иттифоқи ўз олдига фойда олишни мақсад қилиб қўйишмаган.
- Тижоратга асосланган суғурта
  - Тижорат суғуртаси пайдо бўлишининг
    - биринчи босқичида суғурта хизмати олди-сотди объектига айланди;
    - иккинчидан, суғурта фаолияти шаклланаётган бозор хўжалигининг муҳим тармоғига айланди;
    - учинчидан, суғурта битимлари шартнома асосида тузиладиган бўлди.

XV асрда суғурта операцияларини амалга ошириш орқали фойда олиш, Италияда, денгиз орқали юк ташиш амалиётида жорий этилган.

- Ўша даврда Ўрта ер денгизи орқали юкларни ташишда Италия устун мавқега ега бўлган.
- Денгиз суғуртаси ривожланганлигини, 1393 йилда биргина нотариус орқали бир ҳафтада 80 та суғурта шартномаси тузилганлиги билан тушунтириш мумкин.

Бу даврларда денгиз суғуртаси Испания ва Португалияда ҳам тараққий эта бошлаган.

- Биринчи суғурта полиси 1347 йилда Барселонада берилган.
- 1468 йилда денгиз суғуртаси бўйича Венеция Кодекси яратилади.

- Денгиз суғуртаси бўйича дастлабки жамият 1668 йилда Францияда ташкил этилган.

- XVI аср охирларида Лондонда хусусий суғурталовчилар нинг уюшмаси ташкил етилган.

- 1871 йилгача ушбу уюшма “Лондон ллойди” номи билан фаолият кўрсатиб келган.

- Германиядаги дастлабки суғурта жамиятлари 1765 йилда Гамбург ва Берлинда тузилган.

Денгиз суғуртасини пайдо бўлиши ва ривожланишига стихияли ҳодисалар, қурғоқчилик таъсир кўрсатган бўлса, Европа мамлакатларидаги урбанизация мулк суғуртасининг бошқа турларини вужудга келишига олиб келган.

- **1666 йилда Лондонда катта ёнғин бўлган ва натижада 70,0 минг киши ҳалок бўлган.**

Бу Европада ёнғиндан суғурталашни пайдо бўлишига шароит яратган.

- Англияда кўплаб ёнғиндан суғурталаш билан шуғулланувчи жамиятлар барпо етилган.

Суғуртанинг характерли белгиларидан бири Суғурта рискини мавжудлигидир.

Рискни баҳолаш учун уни қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

- Суғурталаниши мумкин бўлган рисклар
- Суғурталаниши мумкин бўлмаган рисклар

Суғурта муносабатларида қуйидаги томонлар қатнашадилар:

- Суғурталовчи
- Суғурталанувчи
- Суғурта воситачилари

1.2. Суғурта иқтисодий категория сифатида

Ўзи **суғурта** деб табиий ва бошқа стихияли кучлар таъсири натижасида юзага келадиган зарарларни қоплаш, олдини олиш ҳамда огоҳлантириш учун мақсадли йўналишдаги пул фондларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар йиғиндисига айтилади.

Суғурта фаолияти иқтисодий инфратузилманинг ажралмас қисми сифатида

бир томондан, ижтимоий кафолатни таъминласа,

иккинчи томондан, шартномавий мажбурият ва тарифлар механизми орқали турли суғурта рискларидан огоҳ этиш негизида иқтисодиёт субъектлари манфаатларининг ҳимоясини ҳам ўз зиммасига олади.

Суғурта фаолияти жисмоний ва юридик шахслар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг рисклар юз бериши оқибатида кўриши эҳтимол бўлган зарарларини қоплашнинг зарурий воситаси сифатида пайдо бўлди ҳамда ривожланди.

Суғурта муносабатлари, уларнинг ташкилий шакллари қандайлигидан қатъи назар, суғурта фондини яратиш ва ундан фойдаланиш жараёнидир.

Суғурта муносабатлари - мураккаб ва кенг қамровли молиявий-пуллик иқтисодий муносабатлар бўлиб, улар юзага келиши учун ўзаро боғлиқ шарт-шароит мажмуаси мавжудлиги ҳам муҳимдир.

Суғуртанинг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини тўликроқ очиб бериш учун илмий адабиётларда бу масалага бўлган ёндашувларни ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Уларда «суғурта-хизмат кўрсатиш индустрияси» еканлиги қайд етилган, шунга асосланиб, кейинги йилларда халқаро иқтисодий атамашуносликда «хизматлар иқтисодиёти назарияси» қарор топаётганлигини таъкидлаш мумкин.

- Insurance: Principles and Practice. Compiled by David Bland,The Chartered Insurance Institute, Great Britain

«Суғурта фаолияти деганда суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг суғуртани амалга ошириш билан боғлиқ фаолияти тушунилади».

•Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, 3-модда.

«Шу нарса аниқки, бугунги кунда хўжалик юритувчи субъектлар... суғурта тизимисиз самарали ишлаш, инвестиция фаолияти билан шуғулланиш, кредит олиш имкониятига ега емас».

•И.А.Каримов Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштириш - энг муҳим вазифамиз.

«Суғурта деганда юридик ёки жисмоний шахслар тўлайдиган суғурта мукофотларидан шакллантириладиган пул фондлари ҳисобидан муайян воқеа (суғурта ҳодисаси) юз берганда, ушбу шахсларга суғурта шартномасига мувофиқ суғурта товонини (суғурта пулини) тўлаш йўли билан уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш тушунилади»

•Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонунидан

1.3. Суғурта фондлари, уларнинг шаклланиши ва фойдаланиш йўналишлари

Суғурта фондлари ташкил етиш манбасига ва фойдаланиш йўналишига қараб, уч кўринишда бўлади:

ўз-ўзини суғурталаш фондлари

Бу фонд ҳар бир хўжалик субъектида ташкил этилади ва ишлаб чиқаришда вақтинча юзага келган қийинчиликларни олдини олишга хизмат қилади

давлатнинг марказлашган суғурта фондлари

Марказлашган суғурта фондлари умумдавлат ресурслари ҳисобидан ташкил етилади. Бу фонддан асосан фавқулодда ҳодисалар рўй берганда пайдо бўлган зарарларни қоплашга ишлатилади

суғурта йўли билан ташкил етиладиган суғурта фондлари

Бу фонд суғурталанувчилар томонидан тўланган мукофотлар ҳисобидан ташкил этилади. Суғурта фонди фақат пулли шаклда ва у қатъий мақсадли йўналишда фойдаланилади

Суғурта фонди маблағлари, фақат, шу фондни ташкил этишда қатнашган субъектлар ўртасида тақсимланади. Суғурта фондларидан ташқари суғурта ташкилотларида захиралар ташкил қилинади. Суғурта ташкилотларининг захиралари турли туманликка эга.

Суғурта захираларининг шаклланиши бўйича қуйидаги қонун-қоидалар мавжуд:

1. хамма захиралар махсус хисоб-китоблар асосида шаклланади;
2. захиралар суғурта олиб бораётган валютада шаклланади;
3. суғурта захиралари хар бир аниқ тўлаш муддатига шаклланади;
4. захиралар фақат суғурта шартномаси бўйича емас, қайта суғурталашда қабул қилинган шартномалар бўйича хам шаклланиши мумкин.

«Суғурталовчилар томонидан суғурта захираларини шакллантириш хамда жойлаштириш тартиби ва шартлари тўғрисида низоми»га мувофиқ суғурталовчи ўзининг балансида мажбурият ёки актив(шароитдан келиб чиқиб) сифатида акс эттириладиган қуйидаги техник захираларни шакллантиришга мажбурдир:

ишлаб топилмаган мукофотлар захираси (умумий суғурта сохасида фаолият амалга оширилганда)	мукофотлар захираси (хаёт суғуртаси сохасида фаолият амалга оширилганда)	зарарлар захираси

Суғурта ходисаси оқибатида юзага келган ва суғурта шартномасининг шартлари бўйича қопланиши лозим бўлган зарарлар хажмига мувофиқ равишда аниқланади ва қуйидагилардан ташкил топади:

- хабар қилинган лекин, бартараф етилмаган зарарлар захираси
- содир бўлган лекин, хабар қилинмган зарарлар захираси

Суғурталовчи Давлат суғурта назорати билан келишган холда қўшимча равишда, қуйидаги захираларни ташкил етиши мумкин:

олдини-олиш чора-тадбирлари захираси

халокатлар захираси

зарарлиликнинг тебраниши захираси

активларнинг номувофиқлик захираси

бошқа захира турлари

1.4. Суғуртанинг функциялари

Суғуртанинг иқтисодий табиати унинг функцияларида ўз аксини топади. Молия, кредит каби иқтисодий категориялар билан бир қаторда суғурта ҳам бир қатор функцияларни бажаради.

Таъкидлаш лозимки, иқтисодий адабиётларда суғуртанинг функциялари бир неча кўринишда талқин этилади.

Масалан, и.ф.д., проф. В.М.Родионова раҳбарлигида чоп етилган “Финанси” ўқув қўлланмасида суғурта иккита функцияни бажариши кўрсатиб ўтилган. Бу функциялар қуйидагилардан иборат: қайта тақсимлаш ва назорат функцияси.

И.ф.д., проф. Ҳ.Р.Собиров суғурта қуйидаги функцияларни бажаришини қайд етади: “хавф-хатар; огоҳлантириш; инвестиция; омонат; ахборот”.

Бизнинг фикримизча, суғурта қуйидаги функцияларни бажаради:

- Суғурта фондини ташкил этиш билан боғлиқ функция
- Суғурта фондидан фойдаланиш билан боғлиқ функция
- Назорат функцияси